“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ АБДИМАЛИК ҲАКИМОВИЧ

АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2026 й.

УЎК: 338.43:631.14:634/635(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по экономическим наукам

Content of the Dissertation Abstract of Doctor (DSc) in Economics Sciences

Бердиев Абдималик Ҳакимович
Агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 3

Бердиев Абдималик Хакимович
Приоритетные направления стратегически устойчивого развития деятельности агрокластеров ……

Berdiyev Abdimalik Khakimovich
Priority Directions for the Strategic and Sustainable Development of Agrocluster Activities .....

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……44

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВ АБДИМАЛИК ҲАКИМОВИЧ

АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2026 й.

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt251 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tiiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Фармонов Тўлқин Ҳайитмуродович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: _____
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
_____
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
_____
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
_____
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: _____

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “___”_____” соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68. e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳр, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2026 йил “_____”_____ куни тарқатилди.
(2026 йил “____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чориев,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д., PhD,

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришга бўлган эътиборнинг изчил равишда ортиб бориши соҳада кластерлаштириш механизмларини жорий этиш ҳамда инновацион агрокластерлар улушини кенгайтириш жараёнларини жадаллаштирмоқда. Маълумотларга кўра, "АҚШда 380 та кластер фаолият юритади ва ЯИМнинг 60,0 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Италия саноатида банд бўлганларнинг 43,0 фоизи 206 та кластерда меҳнат қилади ва мамлакат экспортида ушбу кластерларнинг улуши 30,0 фоизни ташкил этади. Хитойда 60 дан ортиқ махсус кластерлар 30 мингга яқин корхонани бирлаштиради ва уларда 3,5 миллион киши меҳнат қилади. Мазкур корхоналарда йилига 200 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилади"[1]. "Жаҳон тўқимачилик бозори ҳажми 2021 йилда 993,6 млрд. долларини ташкил этиб, 2022-2030 йилларда йиллик ўсиш суръати 4,0 фоизга прогноз қилинмоқда"[2]. "Ҳозирда кластерлар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг 50,0 фоиздан ортиғини қамраб олган бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг 60,0 фоизи, Европа Иттифоқида банд аҳолининг 40,0 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади"[3].

Сўнгги йилларда республикамизда ҳам халқаро амалиётда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда муҳим институционал механизм ҳисобланган агрокластер тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кластер ёндашуви иқтисодиётнинг реал секторларида бозор муносабатларини ривожлантириш, замонавий бошқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, агрокластерлар ҳудудий ва тармоқлараро интеграция муносабатларини кучайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг стратегик тараққиётини таъминловчи самарали механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, унинг тармоқларида иқтисодий, таркибий ва институционал ислоҳотлар натижасида ихтисослашган агрокластер корхоналари фаолият кўрсата бошлади. Жумладан, республикамизда тўқимачиликка ихтисослашган агрокластерлар балансига пахта экини учун ажратилган жами қишлоқ хўжалик ерларининг 52,0 фоизи ажратиб берилди.

Мазкур таркибий ислоҳотлар пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Республикамизда агрокластерларнинг асосий ва бош вазифаси - пахта хомашёсини хорижий мамалакатларда сотиш эмас, балки уни қишлоқ ҳудудларида чуқур қайта ишлаш ва "Ўзбекистонда

---

[1] Янги Ўзбекистон газетаси 31 март 2023 йил 509- сони.

[2] https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/textile-market

[3] European Cluster Panorama 2021. Leveraging clusters for resilient, green and digital regional economies. S.Franco, A.Murciego, J.Pablo Salado, E.Sisti, J.Wilson. European Union, 2021. https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/2021-12/European_Cluster_Panorama_Report_0.pdf

ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш асосида уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳисобланади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи сифатида пахтачилик тармоғини стратегик истиқболли ривожлантириш дастурларида “Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг “локомотиви” бўлиши керак”[4] деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сон “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2023 йил 10 январдаги ПФ-2-сон “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2023 йил 26 январдаги “Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-23-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМ-744-сон, 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-397-сон қарорлари ҳамда ушбу йўналишдаги бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг йирик бир бўғини сифатида ихтисослашган агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашга қаратилган илмий-амалий таклифлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан бири саналади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 12 сентабр куни давлат буджетига тушумларни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тўлиқ бажариш, 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, пахта-тўқимачилик соҳасида кластерларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш маълумотлари.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.[5] Агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантириш, агросаноат тизимининг рақобатбардошлиги ва барқарорлиги, инновацион салоҳияти ва қишлоқ ҳудудлар ривожини ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Гарвард университети, Стенфорд университети, Массачусетс технология институти (MIT, АҚШ), Мюнхен техника университети, Бонн университети (Германия), Падуа университети (Италия), Кембриж университети, Лондон иқтисодиёт ва сиёсат фанлари мактаби (Буюк Британия), Хелсинки университети (Финландия), Сеул технология институти (Индонезия), Вагенинген университети ва тадқиқот маркази (Нидерландия), Цинхуа университети (Хитой), Токио университети, Кобе университети (Япония), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Хитой), Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (Россия) ва “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети каби нуфузли ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: агрокластерлар орқали қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантириш, кичик фермер хўжаликларини қиймат занжирига қўшиш, кластер модели орқали аграр иқтисодиётни диверсификация қилиш (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти**)**; агрокластерларни рақобатбардошлик асосида ривожлантириш, барқарорлик ва “яшил иқтисодиёт” талабларига жавоб берувчи кластер механизмлари, минтақавий ривожланиш стратегияларига кластер моделини татбиқ этиш (Европа кластерлар ҳамкорлиги платформаси); агрофуд тармоғида интеллектуал кластер моделлари, қишлоқ ҳудудларини тиклашда агрокластерлар орқали инновацион ёндашувлар, агроэкологик барқарорлик, агробиоихтиёрликни таъминлашда кластерлашувнинг роли **(**Вагенинген университети ва тадқиқот маркази); кластер ташаббусларини баҳолаш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида кластерлар стратегия орқали инновацион ўсиш нуқтасини аниқлаш (Harvard бизнес мактаби - Стратегия ва рақобатбардошлик институти); кластерларни тузиш орқали фермерлар ва қайта ишлаш корхоналарини боғлаш, бозорга чиқишда логистика ва

[5] Диссертация ишида қуйидаги хорижий илмий тадқиқотлар ва иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларидан фойдаланилган:
chrome-extension: //efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/ https://www.fao.org/4/i1560e/i1560e.pdf; https://www.clustercollaboration.eu/in-focus/policy-acceleration/cluster-solutions-library; chrome-extension: //efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/ https://edepot.wur.nl/451505;chrome-extension: //efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/ https://downloads.unido.org/ot/ 46/96/4696031/ SERIC_TII_BCI_ETH_2013_FMETH10002.pdf; https://www.isc.hbs.edu/competitiveness-economic-development/frameworks-and-key-concepts/Pages/clusters.aspx.

технологик қиймат занжирини самарали ташкил этиш, агроекологик барқарорликни кластерлар орқали таъминлаш (UNIDO) йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид илмий-назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари, агрокластерлар самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар, агрокластерларни барқарор ривожлантириш ва уларни устувор йўналишларининг услубий асосларини такомиллаштириш масалалари М.Портер, К.Фредрикссон, Л.Линдмарк, Э.Галвес-Ногалес, Й.Шумпетер, А.Маршалл, К.Кетелс, О.Солвелл, Чарли Карлссон, М.Энрайт[6] каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни ташкил қилиш, инновацион кластерларни шакллантириш, агросаноат мажмуасини кластер тизимлари асосида ривожлантириш, агрокластер тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва ресурс самарадорлигини ошириш масалалари А.А.Настин, А.В.Глотко, Р.Р.Тохчуков, А.И.Скиба, А.В.Бабкин, Б.А.Воронин, И.М.Бортник, Н.В.Мордовченков, Р.Б.Шестаков[7] ва бошқа МДҲ мамлакатлари олимларининг илмий тадқиқот ишларида баён қилинган.

Ушбу мавзунинг долзарб йўналишлари мамлакатимиз аграр соҳа олимлари С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов, А.М.Қодиров, Ч.Муродов, А.Абдуллоев, Т.Т.Жўраев, Ш.Ҳасанов,

---

[6] Michael E. Porter. Clusters and the New Economics of Competition // *Harvard Business Review*. – 1998. – Vol. 76, No. 6. – P. 77–90.http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of- competition/an/98609-PDF-ENG; Fredriksson, C.G., Lindmark, L.G. From Firms to Systems of Firms: A Study of Interregional Dependence in a Dynamic Society. In F.E.I. Hamilton & G.J.R. Linge (eds.), Spatial Analysis, Industry and the Industrial Environment: Progress in Research and Applications, vol. 1: Industrial Systems (pp. 155–186). John Wiley & Sons. 1979.; Galvez-Nogales, Eva. Agro-based clusters indeveloping countries:staying competitive ina globalized economy. Food and Agriculture Organization of the United Nations(FAO). Rome, 2010; Й.Шумпетер Теория экономического развития. – М., Прогресс, 1982. – 455 с.; А.Маршалл Принципы политической экономии. В 3-х томах. Т. 1. – М.: Прогресс, 1983. – 416 с.; Ö.Sölvell, C.Ketels, G.Lindqvist The Cluster Initiative Greenbook. – Stockholm. – 2003. – URL: http://www.cluster-research.org/greenbook.htm (дата обращения 01.02.2006); M.Enright Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda // Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) Business Networks: Pro-spects for Regional Development. – Berlin: Walter de Gruyter, 1996. – pp. 190– 213.

[7]А.А.Настин Сельскохозяйственный кластер Дании // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. №4,стр.45.; А.В.Глотко Инновационна кластерная развития АПК.Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “ Проблемы и переспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3-4 октябрь 2008г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ, 2008 с.104.; Р.Р.Тохчуков Предпринимательский агропромышленный кластер: теоретические основы создания и функционирования в системе апк. рубрика: экономика четверг, 19 апрель 2012 , современные научные исследования: электронный научный журнал ,http://www.sni-vak.ru/ info@sni-vak.ru; А.И.Скиба Кластеры: Реализация системного принципа в пространственно- институциональной организации производства.Ж. Региональная экономика: теория и практика,10, (193) 2011,с.31; Кластерная экономика и промышленная политика: теория и инструментарий / под ред. д-ра экон. наук, проф. А.В. Бабкина. – СПб. : Изд-во Политехн. ун-та, 2015. – 588 с; Воронин Б. А. Кластеры в системе АПК: экономико-правовые аспекты : монография /Б. А. Воронин, Я. В. Воронина, С. Г. Головина [и др.]. – Екатеринбург : Издательство Уральского ГАУ, 2020. – 168 с.; Бортник, И. М. Становление инновационных кластеров в России: итоги первых лет поддержки / И. М. Бортник, С. П. Земцов, О. В. Иванова [и др.] // Инновации. – 2015. – № 7 (201). – С. 26–36.;

А.А.Маматов, М.Муродова, Т.Ҳ.Фармонов, Ш.Деҳқонова[8] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришда агрокластерларнинг тутган ўрни ва аҳамияти чуқур ўрганилганлигини қайд этган ҳолда сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши ва ҳалқаро бозордаги иқтисодий, сиёсий ва геоҳудудий вазиятларни ҳисобга олган ҳолда агрокластерлар фаолиятини бозор муносабатлари асосида ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар илмий – амалий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган. Хусусан, қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришда агрокластерларни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларда ва аграр сиёсат тараққиётидаги ўрнини баҳолаш услубларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик соҳаси билан боғлиқ хўжалик субъектлари, илмий-тадқиқот муассасалари, хизмат кўрсатиш корхоналарини ўзаро узвий боғлиқликда ва уйғунлашган яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинган илмий ишлар ҳам етарли эмас.

Мазкур ҳолат мамлакатимизда агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб борилишини тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда 2022- 2030 йилларга мўлжалланган ИТД-2 “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятни шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давлат илмий-техника амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этишнинг иқтисодий

[8]С.С.Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес – ўқув қўлланма. – Т.: 2004 – 233 б.; Фарманов Т.Х. Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кластерлар фаолиятини ривожлантириш. “Дурдона” нашриёти, Бухоро. 2021.-272 б; Муродов Ч., Ҳасанов Ш., & Муродова М. (2014). Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. Экономика.; А.М.Қодиров, А.Т.Ахмедиева “Кластерларни ривожлантиришни бўйича услубий минтақавий хусусиятлари”. Қишлоқ хужалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истикболли юналишлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 24 май: - Бухоро : “Садриддин Салим Бухорий” “Дурдона” нашриёти, 2019.-260 б.; Ш.Деҳқонова “Мева-сабзавотчилик кластерларини инновацион ривожлантириш йўллари”. “Агроиқтисодиёт” илмий-амалий агроиқтисодий журнал. 2(16) 2020.; А.Абдуллоев, З.Қайимова “Қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш – иқтисодий ўсишнинг инновацион йўли”. “Агроиқтисодиёт” илмий-амалий агроиқтисодий журнал. 1(15)2020.; М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Замин Нашр” нашриёти, 2018 й. 164 б.; А.А.Маматов, Жўраев Т.Т. Пахтачилик – тўқимачилик кластери аграр соҳани инновацион ривожлантириш омили// “Молия” илмий журнали №6, 2018 й. Б 58.; Қ.Х.Абдурахмонов Агросаноат кластерларининг ҳудудий ривожланишга таъсири.“Иқтисодиёт ва таълим” журнали, Тошкент. 2022, №2. 18 б.

аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва уларни ривожлантиришнинг илмий - назарий асосларини тадқиқ этиш;

- агрокластерлар фаолиятининг ҳозирги ҳолати, ривожланиш тенденциялари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш;

- агрокластерларнинг стратегик барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни белгилаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва назарий жиҳатдан тизимлаштириш;

- агрокластерларнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- хорижий мамлакатларда агрокластерларни ривожлантириш сиёсати ва илғор тажрибаларини тадқиқ қилиб, уларни мамлакатимиз агрокластерлари фаолиятига жорий қилиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

- агрокластерлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубий ёндашувлари ва кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- агрокластерлар фаолиятида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- агрокластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида интеграциялашган манфаатли ҳамкорликни рақамли бошқарув механизмлари асосида ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- агрокластерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни стратегик барқарор ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

- агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг 2030 йилгача прогноз моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб республикамизда фаолият юритаётган ихтисослашган агрокластерлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида алоҳида монографик изланишлари Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган агрокластерлар мисолида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантириш ва устувор йўналишларини белгилашда вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнидан статистик кузатиш, қиёсий таҳлил, монографик кузатиш, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, абстракт-мантиқий фикрлаш, SWOT таҳлил ҳамда прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- минтақанинг табиий-иқтисодий шароити, ресурс салоҳияти ва тармоқ ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллийлаштириш коэффиценти, ихтисослаштириш индекси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи асосида интеграл коэффиценти IK<1,0 бўлганда “паст салоҳият”, IK=1 бўлганда “чегаравий салоҳият”, IK>1 бўлганда “юқори салоҳият” даражалари бўйича агрокластерлар фаолиятини дифференциал баҳолаш таклиф этилган;

- пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолияти самарадорлигини қиймат яратиш занжирининг узвийлиги, ресурс-технологик салоҳият, иқтисодий манфаатдорлик ҳамда ташкилий-иқтисодий мезонларининг индикаторлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

- агрокластерлар бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика жараёнларининг илмий-инновацион инфратузилма билан интеграциялашуви ҳамда кластер иштирокчилари ўртасидаги “маҳсулот – хизмат – буюртма” ахборот оқимларининг қиймат занжири бўйича узлуксиз ҳаракатини таъминлаш асосида агрокластер фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилий-иқтисодий бошқарув тузилмаси такомиллаштирилган;

- агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришда иштирокчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ташқи ва ички хатарларга мослашувчанлик, инновацион салоҳият, қиймат занжири интеграцияси ҳамда институтционал мувофиқлашув мезонлари асосида баҳолаш ва бошқаришнининг “резилиент адаптив бошқарув механизми” таклиф этилган;

- Қашқадарё вилояти агрокластерларини стратегик барқарор ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари кўп омилли эконометрик ва ARMAX моделлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- минтақанинг табиий-иқтисодий шароити, ресурс салоҳияти ва тармоқ ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда маҳаллийлаштириш коэффициенти, ихтисослашув индекси ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичларини интеграл баҳолаш асосида агрокластерларни “паст”, “чегаравий” ва “юқори” салоҳият даражалари бўйича дифференциал баҳолаш услуби таклиф қилинган;

- агрокластерлар фаолияти самарадорлигини қиймат яратиш занжирининг узвийлиги, ресурс-технологик салоҳият, иқтисодий манфаатдорлик ва ташкилий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида комплекс баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

- агрокластерлар бошқарув самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика жараёнларининг илмий-инновацион инфратузилма билан интеграциялашуви ҳамда кластер иштирокчилари ўртасидаги “маҳсулот – хизмат – буюртма” ахборот оқимларининг қиймат занжири бўйича узлуксиз ҳаракатини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув структураси тавсия этилган;

- агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришда иштирокчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ташқи ва ички хатарларга мослашувчанлик, инновацион салоҳият, қиймат занжири интеграцияси ҳамда институционал мувофиқлашув мезонлари асосида баҳолаш ва бошқариш механизми тавсия этилган;

- Қашқадарё вилояти агрокластерларни стратегик барқарор ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилиб, уларни агрокластерларни ривожлантириш дастурлари ва стратегик бошқарув

амалиётида қўллаш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган натижалар ва ишланмаларнинг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг илмий асосланганлиги, статистик маълумотларнинг расмий манбалар, тегишли агрокластер тизими ташкилотлари, унга иштирокчи корхоналарда олиб борилган монографик тадқиқотлар натижалари асосида олинганлиги, илмий-амалий тавсияларнинг манфаатдор ташкилот ва хўжаликлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, интеграл коэффицент ёрдамида агрокластерлар фаолиятини дифференциал ҳамда пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолияти самарадорлигини индикаторлар ёрдамида баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар кластерларни ресурслар билан таъминлаш, кооперация асосида ўзаро манфаатли ва тизимли фойдаланиш эвазига маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини ошириш, агрокластерлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти агрокластерларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш, уларни ислоҳотлар талабига мувофиқ давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва стратегик барқарор ривожлантириш бўйича устувор йўналишларини белгилаш, махсус манзилли ва истиқболли дастурлар ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ва “Инновацион иқтисодиёт” фанларини ўқитишда ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштиришда илмий-услубий манба сифатида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши мавзуси доирасида олинган илмий натижалар асосида:

- минтақанинг табиий-иқтисодий шароити, ресурс салоҳияти ва тармоқ ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда маҳаллийлаштириш коэффициенти, ихтисослаштириш индекси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи асосида интеграл коэффициенти IK<1,0 бўлганда “паст салоҳият”, IK=1 бўлганда “чегаравий салоҳият”, IK>1 бўлганда “юқори салоҳият” даражалари бўйича агрокластерлар фаолиятини дифференциал баҳолаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказининг 2026 йил 17 июндаги 05/04-04-588-сон маълумотномаси). Натижада ресурс ва инвестицияларни салоҳияти юқори йўналишларга мақсадли жойлаштириш, паст салоҳиятли агрокластерларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича асосланган стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

- пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолияти самарадорлигини қиймат яратиш занжирининг узвийлиги, ресурс-технологик салоҳият, иқтисодий манфаатдорлик ҳамда ташкилий-иқтисодий мезонларининг

индикаторлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказининг 2026 йил 17 июндаги 05/04-04-588-сон маълумотномаси). Натижада ресурслардан самарали фойдаланиш, кластер иштирокчиларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бошқарув қарорларини асослаш ва агрокластернинг умумий иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

- агрокластерлар бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика жараёнларининг илмий-инновацион инфратузилма билан интеграциялашуви ҳамда кластер иштирокчилари ўртасидаги “маҳсулот – хизмат – буюртма” ахборот оқимларининг қиймат занжири бўйича узлуксиз ҳаракатини таъминлаш асосида агрокластер фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилий-иқтисодий бошқарув структураси такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказининг 2026 йил 17 июндаги 05/04-04-588-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика жараёнларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, кластер иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини тезлаштириш, такрорланувчи бошқарув функциялари ва транзакция харажатларини камайтириш имконияти яратилади;

- агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришда иштиркчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни ташқи ва ички хатарларга мослашувчанлик, инновацион салоҳият, қиймат занжири интеграцияси ҳамда институтционал мувофиқлашув мезонлари асосида баҳолаш ва бошқаришнининг “резилиент адаптив бошқарув механизми” таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказининг 2026 йил 17 июндаги 05/04-04-588-сон маълумотномаси). Натижада агрокластерларнинг хавф-хатарларга бардошлилиги ва мослашувчанлиги ошади, иқтисодий йўқотишлар камаяди, фаолиятнинг тикланиш муддати қисқаради ва стратегик барқарор ривожланиш таъминланади.

- Қашқадарё вилояти агрокластерларини стратегик барқарор ривожланишининг 2030 йилгача бўлган прогнози амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказининг 2026 йил 17 июндаги 05/04-04-588-сон маълумотномаси). Таклиф этилган прогноз натижалари минтақа агросаноатини, қишлоқ хўжалиги тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг истиқболли кўрсаткичларини баҳолашда ва устувор йўналишларини белгилашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари бўйича жами 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг иқтисод фанлари доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (11 та республика ва 2 та хорижий журналларда) ҳамда 3 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация жами 245 саҳифада баён қилинган бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар
рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги, зарурияти ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқот илмий янгиликлари, амалий натижалар ва амалиётга жорий қилиниши ҳолати баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти, қишлоқ хўжалигида кластернинг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва уни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, агрокластерларни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва уларни мамлакатимизда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Қишлоқ хўжалигида трансформация жараёнлари жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги, глобал иқлим ўзгариши ҳамда ресурслар чекланганлиги шароитида кечмоқда. Бу эса тармоқни барқарор ривожлантиришни инновацион технологиялар, ресурс тежамкор ёндашувлар ва бозор механизмларига асосланган агрокластерларни жорий этиш орқали таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Агрокластер тузилмасининг шаклланиши эса қишлоқ хўжалигида хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда сотиш жараёнларини интеграциялашга асосланган замонавий институционал моделнинг яратилишига замин яратди.

Тадқиқотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ўзгаришлар ва янгиланишлар таҳлил қилиниб, ҳар бир даврда қишлоқ хўжалиги соҳасида хўжалик юритиш шакллари ва мулкчилик муносабатларини ривожланиш босқичлари ишлаб чиқилиб, таснифланди (1-расм).



1-расм. Хўжалик юритиш шакллари ва мулкчилик муносабатларининг ривожланиши босқичлари.[9]

Мазкур таҳлиллар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини 1991-2025 йиллар кесимидаги тараққиёти ва босқичма-босқич эволюцияси акс эттирилди. Ушбу даврларда қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш шаклларининг институционал ислоҳотлари шартли равишда тўрт босқичга бўлиб, қиёсий баҳо берилди.

I-босқич (1991-1997 йиллар) - мустақилликка ўтиш ва давлат мулкини хусусийлаштириш даври. Қишлоқ хўжалигида давлат мулки устувор бўлиб, жамоа корхоналари сақланиб, ислоҳотлар деҳқонларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва мулкчилик муносабатларини бозор талабларига мослаштиришга қаратилди. Ер хусусий мулк сифатида тан олинмай, фақат фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Бу босқич деколлективизация жараёнига асос солди.

II-босқич (1998-2005 йиллар) - хўжалик юритиш шаклларини диверсификация қилиш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш. Жамоа хўжаликлари негизида фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик учун институционал муҳит шаклланди. Пахта ва ғалла етиштириш устидан давлат назорати сақланган бўлса-да, диверсификация фермерлар иқтисодий фаоллигини рағбатлантирди.

III-босқич (2006-2016 йиллар) - институционал ривожланиш ва бозор механизмларига ўтиш. Ердан узоқ муддатли ижара асосида фойдаланиш тизими жорий этилди, кооператив механизмлар, машина-трактор парклари ва

[9] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хизмат кўрсатиш марказлари ташкил қилинди. Бу йўналишдаги ислоҳотлар маълум бир қисқа муддатда иқтисодий барқарорликни таъминлаб, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирди.

IV-босқич (2017-2025 йиллар) - агрокластерлар ва интеграциялашган хўжалик юритиш тизимига ўтиш. Пахта-тўқимачилик, мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа йўналишларда агрокластерлар ташкил қилиниб, "хом ашё маҳсулотларини етиштириш – уларни сифатли қайта ишлаш – тайёр маҳсулотларни сотиш" тизим яратилди ва қўшилган қиймат занжири мустаҳкамлаш мақсадида бозор тамойилларига мослашган интеграция муносабатлари юзага келди.

Янгидан фаолият кўрсатаётган агрокластерлар мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, инновацион ва ресурс тежамкорлик технологияларни амалиётга қўллаш тадирлари соҳада устувор вазифа этиб белгиланди. 2020 йилдан бошлаб хусусий мулк устуворлиги ва фермерларнинг бозор иштирокчиси сифатидаги роли янада ошди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 1991-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги давлат марказлашган моделдан бозорга йўналтирилган агрокластерлашган тизимга трансформация қилинди. Институтционал ўзгаришлар мулкчилик диверсификацияси, фермерлик муносабатларининг мустаҳкамланиши ва агрокластер тизимининг ривожланиши орқали амалга оширилди.

Ривожланган мамалакатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси тажрибаларида бутун дунё қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейинги 2-ўринда турадиган Голландия ўзининг 1 миллион гектар ерида деҳқончилик қилиб, 102 миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади. Ўзбекистонда эса 4 миллион гектарга яқин майдонга деҳқончилик қилиш мумкин бўладиган ер мавжуд ва бу ерларнинг салкам 35 фоизида пахта хом ашёси етиштирилиб, пахта ва тўқимачилик маҳсулотларидан йилига 2 миллиард доллар атрофида даромад қилинади.[10]

Соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишдаги халқаро тажрибалар таҳлил этилди. Масалан, Туркияда 1 гектар ердан ўртача 2 минг АҚШ доллари қийматидаги, Мисрда 8 минг долларлик, Исроилда эса 12 минг долларлик маҳсулот етиштирилаётгани қайд этилди. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ҳозирги пайтда 300 доллардан ошмаётгани, маҳсулотларни доимий ва бир хил стандарт асосида етказиб бериш тизими йўлга қўйилмаганлиги сабабли уларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги етарли эмаслиги таъкидланди[11].

Агрокластерлаш сиёсати давлатнинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш стратегиясида инновацион, рақобатбардош ва ҳудудий жиҳатдан барқарор ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиришга

[10]:https://kun.uz/news/2019/10/04/yer-suv-erksiz-fermerlar-ozbekistonda-yerdan-foydalanishdagi-muammolar-va-oqibatlar

[11] Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 12 декабрда ўтказилган "Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари"га бағишланган йиғилишдан.

қаратилган муҳим институтционал механизм ҳисобланади. Ушбу сиёсатнинг асосий мазмуни тармоқлар ва ҳудудлар кесимида иқтисодий субъектлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори қўшилган қиймат яратувчи барқарор қиймат занжирларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ихтисослашган агрокластерларни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Дастлаб аграр секторда шаклланган кластерлашув амалиёти бугунги кунда саноат, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда агрокластер сиёсати иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудий ривожланишни таъминлаш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган стратегик механизм сифатида шаклланмоқда. У давлат, тадбиркорлик ва илм-фан ҳамкорлиги асосида иқтисодий ислоҳотлар ҳамда тармоқлараро интеграцияни кучайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқотлар ва жойларда агрокластерлар фаолиятини ўрганишлар натижасида Ўзбекистонда агрокластер сиёсатини қуйидагича тизим асосида шакллантириш таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда агрокластер сиёсатини амалга ошириш тизими.[12]

Агрокластерлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда уларни ҳудудий мувофиқлаштириш, бозор институтлари

[12] Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

ва илмий-инновацион инфратузилмани ягона бошқарув тизимига интеграциялашга асосланган. Мазкур механизмнинг ўзига хос жиҳати агрокластерларда қиймат занжирининг узлуксизлигини таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, хавф-хатарларга мослашувчанликни кучайтириш ҳамда натижавий кўрсаткичлар асосида бошқарув қарорларини қайта мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида агрокластер сиёсатининг стратегик мақсади иқтисодиёт тармоқларида юқори қўшилган қиймат занжирига эга, рақобатбардош ва инновацион ишлаб чиқариш тизимларини шакллантириш ҳамда ҳудудий иқтисодий ривожланишни мувозанатли таъминлашдан иборат. Мазкур сиёсат миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш, тармоқлараро интеграцияни кучайтириш ва ташқи бозорларда миллий маҳсулотлар мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс институционал механизм сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалик соҳасини кластер асосида ривожлантиришнинг услубий асослари”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигида агрокластер сиёсати ва уларни салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий асослари, қишлоқ хўжалиги кластерларининг фаолият самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари, кластерлар фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг илмий-амалий жиҳатлари бўйича хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Ҳозирги шароитда агрокластерлар иқтисодиётнинг стратегик ривожланишини таъминловчи муҳим институционал тузилмалардан бири ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш, илм-фан, инновация ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириб, ресурслардан самарали фойдаланиш, рақобатбардошликни ошириш ва юқори қўшилган қиймат яратишга хизмат қилади.

Самарали ташкил этилган агрокластерлар иштирокчи – аъзо хўжалик субъектларининг фаолиятини самарадорлигини ошириш билан бирга, ҳудудий иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис агрокластерларни ривожлантиришда иштирокчилар манфаатларини уйғунлаштириш, инфратузилмани такомиллаштириш, институционал механизмлар ва норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, минтақавий агрокластерларни самарали фаолиятини таъминлаш учун босқичма-босқич аниқ мақсадли тадбирларни амалга ошириш зарур. Тадқиқотлар натижасида истеъмол бозорига йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда агрокластерни ташкил этишнинг уч босқичли амалий жараёнлар тизими ишлаб чиқилди (3-расм).


Биринчи босқичда ҳудудий имкониятлар ва ресурс салоҳияти комплекс таҳлил қилинади. Мавжуд хомашё базаси, логистика ва меҳнат ресурслари баҳоланиб, агрокластерни шакллантириш шарт-шароитлари аниқланади. Маркетинг тадқиқотлари орқали ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва

таклиф, рақобат муҳити, экспорт салоҳияти ва истеъмолчилар афзалликлари ўрганилади.

Иккинчи босқичда агрокластер структураси ва фаолият механизмлари шакллантирилади. Иштирокчи корхоналар технологик салоҳият ва ҳамкорлик имкониятлари асосида танланади. Ташкилий-ҳуқуқий тузилма, бошқарув механизми, мулкчилик ва масъулият муносабатлари белгиланиб, ресурслар тақсимоти, логистика, ахборот алмашинуви ва инновацион ҳамкорлик модели ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорликни баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилади. Мониторинг рақамли технологиялар ва таҳлил платформалари асосида йўлга қўйилиб, ривожланиш динамикаси мунтазам кузатилади ва зарур тузатишлар киритилади.

Умуман, мазкур чора-тадбирлар агрокластерларни шакллантиришда тизимли ёндашувни таъминлаб, ҳудудий иқтисодий интеграция ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



3-расм. Агрокластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизими.[13]

Тадқиқотлар натижасида минтақанинг табиий-иқтисодий шароити, ресурс салоҳияти ва тармоқ ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллийлаштириш коэффиценти, ихтисослаштириш индекси, аҳоли жон

[13] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи асосида интеграл коэффицент IK<1,0 бўлганда “паст салоҳият”, IK=1 бўлганда “чегаравий салоҳият”, IK>1 бўлганда “юқори салоҳият” даражалари бўйича агрокластерлар фаолиятини дифференциал баҳолаш босқичли ёндашув ишлаб чиқилди (4-расм).

Агрокластер салоҳиятини баҳолаш тизимли ва босқичма-босқич тарзда ифодаланган. Бунда агрокластер салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари тизими шакллантирилади ва ҳудуднинг ривожланиш даражаси комплекс баҳоланади.

Таклиф этилган ёндашувнинг илмий аҳамияти шундаки, агрокластерлар салоҳияти алоҳида иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки минтақанинг табиий-иқтисодий шароити, ресурс салоҳияти ва тармоқ ихтисослашувини ўзаро уйғунлаштирувчи интеграл мезон асосида баҳоланади. Бунда IK=1,0 базавий (чегаравий) мезон сифатида қабул қилиниб, IK<1,0 ҳудуд ресурслари ва ихтисослашув имкониятларидан фойдаланиш даражасининг базавий ҳолатдан пастлигини, IK>1,0 эса агрокластернинг ҳудудий устунликлардан самарали фойдаланаётгани ва юқори ривожланиш салоҳиятига эга эканлигини ифодалайди.



4-расм. Агрокластер салоҳиятини баҳолаш алгоритми.[14]

Мазкур дифференциал баҳолаш агрокластерларнинг мавжуд салоҳиятини аниқлаш, ривожланиш стратегиясини табақалаштириш ҳамда инвестиция ва ресурсларни устувор йўналишларга мақсадли йўналтириш учун илмий-услубий асос яратади.

IK=1 базавий мувозанат нуқтаси сифатида қабул қилиниб, ҳудуд ва агрокластер кўрсаткичларининг нисбий тенглигини ифодалайди. Шунинг

[14] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

учун IK<1 базавий даражадан паст, IK=1 чегаравий, IK>1 нисбий устунлик ва юқори салоҳият мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу ёндашув агрокластерларни салоҳияти бўйича аниқ табақалаштириш, ресурс ва инвестицияларни мақсадли йўналтириш ҳамда ҳар бир кластер учун дифференциал ривожланиш стратегиясини белгилаш имконини беради.

Умуман, мазкур ёндашув агрокластерларни шакллантириш имкониятини аниқ мезонлар ва иқтисодий кўрсаткичлар асосида баҳолашга хизмат қилувчи илмий-услубий механизм сифатида аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар натижасида самарадорликни баҳолашнинг кўп даражали кўрсаткичлар тизими шакллантирилиб, улар асосида агрокластерлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш тавсия этилди.

Пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолиятини баҳолашнинг асосий йўналишлари тизимли ва комплекс ёндашув асосида баҳолаш, қиймат занжирининг узлуксизлиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни қўллаш даражаси, фермер хўжаликларининг манфаатдорлиги ҳамда кластер самарадорлиги билан боғлиқ бошқа омиллар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилди.

Ушбу тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолашда комплекс мезонлар тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар натижасида агрокластерларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш мақсадида баҳолаш интикаторлари ишлаб чиқилди. Унда 4 та йўналиш ва 29 та кўрсаткич бўйича индикатор белгилаб олинди (5-расм).

Келтирилган маълумотлар пахта-тўқимачилик агрокластерлар фаолиятини баҳолашнинг комплекс ва кўп мезонли ёндашувини ифодалайди. Унда агрокластер самарадорлигини аниқлашда қиймат занжири узлуксизлиги, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, фермер хўжаликлари манфаатдорлиги ҳамда бошқа боғлиқ институтционал ва ташкилий омиллар ўзаро интеграциялашган ҳолда кўриб чиқилган.

Пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолиятини баҳолаш мезонлари максимал балл 100 балл шаклада белгиланган бўлиб, шундан 50,0 балл пахтани етиштиришдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи қамраб олишга, 30,0 балл ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий техника ва технологияларни қўллашга, 10,0 балл фермерлар манфаатдорлигининг таъминланганлигига ва 10,0 балл пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалаларга ажаратилган.



5-расм. Пахта-тўқимачилик агрокластерлари фаолиятини баҳолаш мезонлари.[15]

Тадқиқотлар натижасида агрокластерлар ривожланиш даражаси ва шаклланиш босқичига кўра кучли, барқарор, салоҳиятли ва яширин агрокластерларга туркумланди.

Кучли кластерлар қиймат занжирининг барча босқичларини қамраб олган, рақобат ва кооперация муносабатлари таъминланган ҳамда юқори инновацион фаолликка эга барқарор иқтисодий тузилмалардан иборат.

Барқарор кластерлар эса институтционал жиҳатдан шаклланган ва изчил ривожланаётган, аммо тўлиқ иқтисодий қувватга эришмаган, келгусида кучли кластер босқичига ўтиш салоҳиятига эга кластерларни ўз ичига олади.

Салоҳиятли кластерлар айрим ишлаб чиқариш ёки хизмат элементлари мавжуд бўлса-да, улар ўртасидаги интеграция етарли даражада шаклланмаган тузилмалар мавжуд.

Қониқарсиз кластерлар таркибига ўз фаолиятида ресурслар ва субъектлар мавжуд бўлса-да, улар ўртасида барқарор институтционал алоқалар ҳали тўлиқ шаклланмаган бошланғич босқичдаги корхоналар киритилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган агрокластерлар юқоридаги ишлаб чиқилган мезонлар асосида

[15] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

баҳоланди ва пахта-тўқимачилик агрокластерларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, агрокластер туркумларига ажартилди (1-жадвал).

Бунда кучли кластерлар таркибига “Naxshab Tex Group” МЧЖ (75,0 балл), “Bunyodkor” МЧЖ (63,0 балл) ва “Indorama Agro” МЧЖ (62,0 балл) киритилди. Уларда тўлиқ қиймат занжири шаклланган, инновацион технологиялар жорий этилган ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида пахта-тўқимачилик агрокластерларни ривожланиш даражасига кўра баҳолаш натижалари бўйича тавсифи.[16]

Т/р	Пахта-тўқимачилик агрокластерлари номи	Баҳолаш натижалари (максимал балл-100 баллга нисбатан)	Тоифаси
1.	“Naxshab Tex Group” МЧЖ	75,0	**Кучли кластер**
2.	“Bunyodkor” МЧЖ	63,0	
3.	“Indorama Agro” МЧЖ	62,0	
1.	“Oqsaroy klaster” МЧЖ	58,0	**Барқарор кластер**
2.	“Kitobipyigiruv” МЧЖ	58,0	
3.	“LT Textile Oversias” ХК	51,0	
1.	“Koson baxt tekstel” МЧЖ	48,0	**Салоҳиятли кластер**
2.	“Mirishkor tekstil group klaster” МЧЖ	47,0	
3.	“Chiroqchi Klaster” МЧЖ	47,0	
4.	“Qarshi Agro Klaster” МЧЖ	46,0	
5.	“Cluster Khilal” МЧЖ	46,0	
6.	“Oqsaroy textile” МЧЖ	45,0	
7.	“Beshkent Agro Klaster” МЧЖ	45,0	
8.	“EMG Inter Investment” МЧЖ ҚК	40,0	
9.	“Qamashi Textile” МЧЖ	39,0	
1.	“Original Kotton Mirishkor” МЧЖ	21,0	**Қониқарсиз кластер**
2.	“Kainvest Cluster” МЧЖ ҚК	15,0	

Барқарор кластерлар тоифасига “Oqsaroy klaster” МЧЖ, “Kitobipyigiruv” МЧЖ ва “LT Textile Oversias” ХК (51-58 балл) мансуб бўлиб, институтционал асослар шаклланган, аммо инновация ва экспорт диверсификациясини чуқурлаштириш талаб этилади.

Салоҳиятли кластерлар (39-48 балл) вилоятда асосий улушни ташкил этади. Уларда ресурслар мавжуд, бироқ интеграция ва қиймат занжири тўлиқ шаклланмаган. Инвестиция ва инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш орқали уларни юқори босқичга олиб чиқиш мумкин.


Қониқарсиз кластерлар қаторига “Original Kotton Mirishkor” МЧЖ ва “Kainvest Cluster” МЧЖ ҚК (15-21 балл) киритилган бўлиб, уларда ички ихтисослашув элементлари мавжуд, аммо институтционал ва кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмаган. Тегишли стратегия асосида ушбу субъектларни кейинчалик барқарор кластерлар таркибига трансформация қилиш имконияти мавжуд.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида агрокластерлар фаолиятининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ

[16] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хўжалигини ривожлантиришда агрокластерлар фаолияти самарадорлигининг таҳлили, қишлоқ хўжалик кластерларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ўзгариш динамикаси, агрокластерларнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмини такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Маълумки, агрокластерлар аграр соҳада тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида юзага келмоқда. Мамлакатимизда 2025 йилда 55 та янги агрокластерлар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 669 тага етди. Тармоқлар кесимида пахта-тўқимачилик соҳасида 153 та, ғаллачиликда - 126 та, мева-сабзавотчиликда - 136 та, шоличиликда - 41 та, доривор ўсимлик бўйича - 8 та, чорвачилик йўналишида - 34 та, қоракўлчиликда - 46 та, паррандачилик - 11 та, балиқчиликда - 38 та ва пиллачиликда - 76 та агрокластерлар фаолият юритмоқда (6-расм).



6-расм. Республика ва Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган агрокластерлар сони.[17]

Агрокластерлар томонидан шу вақтгача жалб қилинган инвестициялар ҳажми 510 млн. АҚШ долларидан ошди. Натижада пахта хом ашёсини қайта ишлаш 65,0 фоизга (қарийб 832 минг тонна), ғаллани қайта ишлаш 38,0 фоизга (105 минг тонна), мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш эса 92,0 фоизга (110 минг тонна) ошди. Сув тежамкор технологиялар 34,7 минг гектарда жорий этилди ва умумий қамров 161,6 минг гектарни, шунингдек 45 минг гектар ер лазер ёрдамида текисланиб, жами 237,0 минг гектарни ташкил қилди.

Пахтачилик тармоғида ишлаб чиқаришни замонавий техника воситалари билан таъминлаш мақсадида 1,1 мингдан ортиқ янги техникалар харид қилиниб, соҳани техника билан таъминот даражаси 92,0 фоизга етди. Бу ҳолат экинларни ҳосилдорлигини ошириш ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, 2023 йилда 3,7 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилди ва ўртача ҳосилдорлик 36,6 ц/гани ташкил қилди. Амалга оширилган мақсадли тадбирлар натижасида агрокластерлар томонидан 34719 та янги иш ўрни

[17] Қишлоқ хўжалик вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

яратилди ва умумий бандлик 224796 нафар кишини ташкил этди.

Агрокластер корхоналарини ривожлантирилиши пахта-тўқимачилик тармоғида тизимли ўзгаришларни таъминлай бошлади ва натижада 2024 йилда тарихда биринчи марта мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ҳом ашёсини қайта ишлаш даражаси 100 фоизни ташкил қилди. Мазкур натижа асосан "хомашёдан тайёр маҳсулотгача" бўлган тизимда янгидан қўшилган қиймат занжирининг тўлиқ шаклланган ва тармоқда вертикал интеграция таъминланаётганлигини англатади.

Агрокластерларнинг асосий вазифаси - пахта хом ашёсини етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилишгача бўлган узлуксиз технологик ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратишдан иборат. Пахта хом ашёсини 100 фоиз агрокластерлар қуввати ёрдамида ички қайта ишлаш даражасига етказиш, тайёр ва ярим тайёр пахтачилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тармоқ рақобатбардошлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Бу ҳолат пахта-тўқимачилик агрокластерлари пахтачилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини тўлиқ шакллантиришга эришилганини билдиради.

2024 йилда мамлакатимизда пахта-тўқимачилик агрокластерлари агросаноат мажмуасининг етакчи бўғинига айланиб, пахтани чуқур қайта ишлаш ва 17,4 минг тонна пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 18,9 трлн. сўм бўлган 140 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Натижада қишлоқ ҳудудларида янгидан 42,3 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, агрокластерлар томонидан 29,1 минг гектар фойдаланишдан чиққан суғориладиган ер майдонларининг қайта ўзлаштириш ва суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш бўйича мақсадли тадбирлар амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ихтисослашган агрокластерлар томонидан инвестицияларни жалб қилиш орқали янги ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, маҳсулотларни қайта ишлаш даражаси юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Сўнгги йилларда агрокластерлар томонидан инвестиция жалб қилиш кўрсаткичларини таҳлилига кўра, 68 та агрокластер 10,0 млн. АҚШ долларидан ортиқ, 14 та агрокластер эса 5-10 млн. АҚШ доллари миқдорида, 6 та агрокластер эса 5 млн. АҚШ долларигача инвестиция жалб этган. Бу ҳолат тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги нисбатан барқарор ва экспортга йўналтирилган ривожланиш стратегияси изчил амалга оширилаётганини кўрсатади.

Умумий ҳисобда, мазкур кўрсаткичлар пахта-тўқимачилик агрокластерларининг қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини тўлиқ шакллантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги аҳамияти янада мустаҳкамланаётганлиги кўрсатади.

Тадқиқотлар жараёнида Қашқадарё вилоятида агрокластерларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва иқтисодий ҳолатига баҳо бериш мақсадида

уларда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва экспорт ҳажми кўрсаткчилари таҳлил қилинди (2-жадвал).

Қашқадарё вилоятида 2022-2024 йилларда агрокластерлар фаолиятида таркибий ўзгаришлар натижасида пахта-тўқимачилик агрокластерлари сони 18 тадан 14 тага, ғаллачилик агрокластерлари 28 тадан 25 тага, мева-сабзавотчилик агрокластерлари эса 35 тадан 8 тага қисқарган. Бу ҳолат тармоқда асосан ташкилий-иқтисодий мақбуллашув ва ресурсларни нисбатан самарали хўжалик субъектларида тўпланаётганлигини билдиради.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида агрокластерлари фаолияти бўйича таҳлилий маълумот.[18]

№	Йиллар	Кластер сони	Тўғридан-тўғри ажратилган ер майдони, га	Тузилган фючерс шартномаси асосида		Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га	Експорт		Мавжуд иш ўрни
				фермер хўжаликлар сони	ер майдон, га			тонна	млн. сўм	
Пахта-тўқимачилик агрокластерларида										
1.	2022	18	17367	6045	116396	434560	32,5	79867	288635	14654
2.	2023	19	19032	6735	120577	425856	30,04	68051	351187	18691
3.	2024	14	17521	5730	113888	364439	30,5	62156	2055220	13585
2024 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)		-4	+154	-315	-2510	-70121	-2,0	-17711	+1766585	-1069,0
Ғаллачилик агрокластерларида										
1.	2022	28	12046	6573	127845	370032	26,4	-	-	3667
2.	2023	24	15417	6487	121955	348737	26,7	-	-	4878
3.	2024	25	21013	6698	117974	373821	26,9	-	-	4074
2024 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)		-3	+8967	+125	-9871	+3789	+0,50	-	-	+407
Мева-сабзавотчилик агрокластерларида										
1	2022	35	2382	2675	14678	157	0,10	-	-	451
2	2023	14	1591	794	5253	65,5	0,17	-	-	244
3	2024	8	1499	70	692	113	0,81	-	-	117
2024 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)		-27	-883	-2605	-13986	-44	+0,71	-	-	-334

Қашқадарё вилоятида агрокластерлар фаолияти миқдор жиҳатидан кўпайиш ўрнига энди бозор тамойилларига мувофиқ, сифат жиҳатдан қайта таркибланиш босқичига ўтаётганини кўрсатмоқда. Бунда пахта-тўқимачилик агрокластерлари экспорт салоҳияти, ғаллачилик агрокластерлари ишлаб

[18] Qashqadaryo viloyat qishloq xo‘jalik boshqarmasi ma’lumotlari.

чиқариш барқарорлиги, мева-сабзавотчилик агрокластерлари эса институционал қўллаб-қувватланиш даражаси билан ажралиб туради.

2021–2024 йилларда “Qarshi agroklaster” МЧЖнинг ер ресурслари ҳажми ўзгармаган ҳолда, ишлаб чиқариш ва техник-технологик салоҳиятида ижобий ўсиш тенденциялари кузатилган. Хусусан, жами 6885 гектар ер майдонида пахта хомашёси етиштириш ҳажми 23865 тоннадан 25610 тоннага ёки 7,3 фоизга ошган. Бунда агрокластернинг ўз ер майдонларида пахта етиштириш ҳажми 39,8 фоизга, ҳосилдорлик эса 34 ц/гадан 47 ц/гага ёки 38,2 фоизга ўсган. Бу мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш интенсивлиги ва агротехнологик самарадорликнинг ошганлигини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

“Qarshi agroklaster” МЧЖ пахта-тўқимачилик агрокластери ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.[19]

№	Кўрсаткичлдр	Ўлчов бирлиги	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йил 2021 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
I.	Жами ер майдони	гектар	6885	6885	6885	6885	-
а)	Шундан, агрокластерда	гектар	347	347	347	347	-
б)	Фермер хўжалигида	сони	335	335	335	335	-
		гектар	6538	6538	6538	6538	-
II.	Пахта хомашёсини етиштириш	тонна	23865	25526	25570	25610	+1745
а)	Агрокластернинг ўз ер майдонида	тонна	1173	1605	1620	1640	+467
б)	Фермерлар ер майдонларида	тонна	22692	23921	23950	23970	+1278
III.	Ҳосилдорлик	ц/га	34,5	41,5	42,0	42,0	+7,5
а)	Агрокластернинг ўз ер майдонида	ц/га	34	46	47	47	+13
б)	Фермерлар ер майдонларида	ц/га	35	37	37	37	+2
IV.	Пахта териш машиналарида терилган пахта	тонна	130	170	1200	1500	+1370
а)	Агрокластер томонидан	тонна	130	170	1200	1500	+1370
б)	Фермерлар томонидан	тонна	-	-	-	-	
V.	Сув тежовчи технология жорий этилган жами майдон	гектар	502	554	650	-	+148
а)	Шундан, агрокластер томонидан жорий этилган	гектар	347	-	-	-	-347
б)	Агрокластер кафиллиги асосида жорий этилган	гектар	155	554	650	-	-155
в)	Фермерлар ўз маблағи ҳисобидан	гектар	-	-	-	-	-
VI.	Жами лазерли текисланган ер майдонлари	гектар	825	825	900	900	+75

[19] “Qarshi agroklaster” МЧЖ пахта-тўқимачилик агрокластер маълумотлари.

а)	Шундан, агрокластер томонидан	гектар	825	825	900	900	+75
б)	Фермерлар томонидан	гектар	-	-	-	-	-
VII.	Агрокластер балансидаги қишлоқ хўжалиги техникалар	сони	27	82	82	82	+55
		млн.сўм	17948	21289	21289	21289	+3341
а)	Шундан, хайдов трактори	сони	3	3	3	3	-
		млн.сўм	2040	2040	2040	2040	-
б)	- чопиқ трактори	сони	5	5	5	5	-
		млн.сўм	1250	1250	1250	1250	-
в)	- пахта териш машиналари	сони	10	10	10	10	-
		млн.сўм	13572	13572	13572	13572	-
г)	- лазерли текислагичлар	сони	3	7	7	7	+4
		млн.сўм	690	1610	1610	1610	+920
д)	- сеялкалар	сони	2	10	10	10	+8
		млн.сўм	56	856	856	856	+800
э)	- культиваторлар	сони	4	4	4	4	-
		млн.сўм	340	340	340	340	-
ж)	- пуркагичлар ва бошқалар тркамалар	сони	-	43	43	43	+43
		млн.сўм	-	1621	1621	1621	+1621

Техник-технологик модернизациялаш натижасида агрокластерларда қишлоқ хўжалиги техникалари сони 27 тадан 82 тага ёки 3,0 баробарга кўпайган. Пахтани машинада териш ҳажми 130 тоннадан 1500 тоннага (11,5 баробарга) ошган. Шунингдек, лазерли текисланган ер майдонлари 825 гектардан 900 гектарга кенгайган. Мазкур ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва технологик мослашувчанлик салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари агрокластернинг ресурс-технологик салоҳиятини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва ер ресурсларидан интенсив фойдаланиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотлар хорижий малакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида республикамизда фаолият кўрсатаётган агрокластерларда “илм-фан ва ишлаб чиқариш” ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги, агрокластерларнинг аксариятида бошқарув тузилмаси тизимли равишда шаклланмаганлигини кўрсатди. Бу ҳолат инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишни секинлаштириб, агрокластерларда янги технологиялар, илмий тавсиялар ва илғор бошқарув усулларидан фойдаланиш имкониятларини чеклайди.

Тадқиқот жараёнида мазкур ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида влоятнинг “Қарши агрокластер” МЧЖнинг бошқарув тузилмаси юзасидан монографик тадқиқот олиб борилди.

“Қарши агрокластер” МЧЖ бошқарув тузилмаси иерархик-функционал тамойил асосида шаклланган бўлиб, унда стратегик бошқарув, мувофиқлаштириш ва назорат вазифалари кузатув кенгаши раиси ҳамда бошқарув директори зиммасига юклатилган.

Бошқарув директорига инвестиция-иқтисодий, тайёр маҳсулотлар ва тайёрлов, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича масъул ўринбосарлар бўйсунади. Қуйи бўғинларда ҳисоб-китоб, тайёрлов, ишлаб чиқариш цехлари, механизация, қўриқлаш ва ёрдамчи хизматлар фаолият юритиб, агрокластернинг операцион жараёнларини таъминлайди. Мазкур модел ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, молиявий ҳисоб ва агротехник жараёнларнинг ўзаро уйғун бошқарилишини ифодалайди.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш ва олиб борилган тадқиқотлар натижасида агрокластернинг бошқарув тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш ва бунда “илм – фан – ишлаб чиқариш” соҳалари ўртасида узвий боғлиқ бўлган янги, замонавий тузилмани ташкил қилиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилди (7-расм).



7-расм. “Қарши агрокластер” МЧЖ нинг бошқарув тузилмаси.[20]

Таклиф этилган “Қарши агрокластер” МЧЖнинг замонавий бошқарув тузилмасида бошқарув жараёни стратегик, функционал ва инновацион йўналишлар асосида тизимлаштирилган. Тузилмада кузатув кенгаши раиси ва бошқарув директори юқори бошқарув бўғини сифатида белгиланган, уларга инвестиция, молия, тайёрлов, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, логистика ва илмий-инновацион йўналишлар бўйича масъул бўлинмалар бириктирилган. Айниқса, илмий марказ, илмий-техник кенгаш, синов лабораторияси ҳамда ОТМ ва илмий марказлар билан ҳамкорлик бўғинларининг киритилиши агрокластер фаолиятида инновация, сифат назорати ва технологик модернизацияни кучайтиришга хизмат қилади.

Таклиф этилаётган бошқарув модели агрокластер фаолиятини анъанавий ишлаб чиқариш бошқарувидан инновацион, интеграциялашган ва натижага

[20] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йўналтирилган бошқарув тизимига ўтказиш имконини беради. Мазкур тузилма ишлаб чиқариш, тайёрлов, қайта ишлаш, логистика, таъминот, маркетинг ва илмий таъминот жараёнларини ягона бошқарув занжирида мувофиқлаштириш орқали агрокластернинг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайди.

Агрокластерларни ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш, савдо-логистика ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги “маҳсулот – хизмат – буюртма” ахборот оқимларининг қиймат занжири бўйича узлуксиз ҳаракатини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ягона бошқарув маркази орқали мувофиқлаштиришдан иборат. Мазкур тизимнинг муҳим жиҳати маҳсулот ҳаракати, хизматларга эҳтиёж, буюртмалар ва молиявий ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни ўзаро боғлаш орқали ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол жараёнларининг функционал интеграциясини таъминлаш ҳисобланади. Натижада ахборот асимметрияси ва трансакция харажатларини камайтириш, ресурслар тақсимотини оптималлаштириш, бозор талабига тезкор мослашиш ҳамда қиймат занжирининг барча босқичларида қўшилган қиймат яратиш самарадорлигини ошириш имконияти шаклланади. Бу эса агрокластерларнинг бошқарув самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва стратегик барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим ташкилий-иқтисодий асоси ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида агрокластер иштирокчилари - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш ва савдо-логистика корхоналари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ягона кластер бошқарув маркази орқали мувофиқлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув механизми таклиф этилди (8-расм).



8-расм. Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва “маҳсулот – хизмат – буюртма” ахборот оқимларининг қиймат занжири бўйича узлуксиз ҳаракатини таъминлаш механизими.[21]

Механизмнинг ўзига хос жиҳати маҳсулот, хизмат, буюртма ва даромад оқимларини ўзаро интеграциялаш, ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган қиймат занжирини узвий бошқариш ҳамда илмий-инновацион ва институционал ҳамкорликни кучайтиришдан иборат. Мазкур ёндашув ресурслар тақсимотини оптималлаштириш, трансакция харажатларини қисқартириш, иштирокчилар ўртасидаги иқтисодий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш ва бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Натижада агрокластернинг рақобатбардошлиги, қўшилган қиймат яратиш салоҳияти ва стратегик барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган интеграциялашган бошқарув тизими шакллантирилади.

Бундан ташқари, тадқиқотда агрокластерлар фаолиятини стратегик барқарор ривожлантиришнинг замонавий талабларидан келиб чиққан ҳолда, иштирокчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш ва бошқаришга қаратилган “резилиент адаптив бошқарув механизми” ишлаб чиқилди. Ушбу механизм агрокластер таркибига кирувчи фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари, логистика субъектлари, молиявий институтлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга мослаштириш, қиймат занжирининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда агрокластерларнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.


Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, геосиёсий беқарорлик, озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар, пандемия оқибатлари, молиявий инқирозлар ва логистика тизимидаги чекловлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги анъанавий бошқарув моделларининг самарадорлиги етарли эмаслигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, халқаро ташкилотлар ва хорижий олимлар томонидан агроозиқ-овқат тизимларининг резилиентлиги тушунчасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда халқаро амалиётда қиймат занжирларини бошқаришда барқарор ва ташқи таъсирларга чидамли қиймат занжири, ўзгарувчан шароитларга мослашувчан бошқарув, ҳамкорлик тамойилларига асосланган тармоқ бошқаруви каби ёндашувлар кенг қўлланилмоқда.

Шу тариқа, “резилиент адаптив бошқарув механизми” агрокластерларни стратегик барқарор ривожлантиришга қаратилган янги назарий-услубий ёндашув сифатида намоён бўлиб, у анъанавий ишлаб чиқариш самарадорлигига асосланган моделлардан фарқли равишда резилиентлик ва адаптивликни стратегик бошқарувнинг устувор элементлари сифатида интеграция қилади. Бу эса агрокластерларнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш, узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлаш

[21] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамда барқарор иқтисодий ўсишнинг илмий-амалий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади (9-расм).



9 - расм. Агрокластерларнинг резилиент адаптив бошқарув механизми.[22]

Ушбу механизмни Ўзбекистон агрокластерлари амалиётига татбиқ этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларида сув танқислиги билан боғлиқ рискларни баҳолаш, экспорт бозорларини диверсификация қилиш ва рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш орқали резилиентлик даражасини ошириш мумкин. Мева-сабзавот агрокластерларида совуткич омборлари инфратузилмасини кенгайтириш, логистика захираларини шакллантириш ҳамда қайта ишлаш улушини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чорвачилик агрокластерларида эса ем-хашак захираларини яратиш, ветеринария мониторингини кучайтириш ва генетик инновацияларни жорий этиш орқали стратегик барқарорлик таъминланади.


Шундай қилиб, резилиент адаптив бошқарув механизми агрокластерларнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш, узоқ муддатли рақобатбардошликни таъминлаш ва стратегик барқарор ривожланишни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи комплекс бошқарув модели ҳисобланади.

Анъанавий ёндашувларда асосий эътибор харажатларни қисқартириш ва қўшилган қийматни оширишга қаратилган бўлади.

[22] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Агрокластерлар мисолида қиймат занжири ресурс таъминотидан бошланиб, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, логистика, савдо ва экспорт ҳамда якуний истеъмолчига етказиб бериш босқичларини ўз ичига олади. Ҳар бир босқич маҳсулотга қўшимча қиймат қўшиш орқали умумий иқтисодий натижадорликни шакллантиради.

Тадқиқотлар натижасида Qarshi agroklaster” МЧЖ пахта-тўқимачилик агрокластери резилентлик кўрсаткичи “тайёргарлик салоҳияти”, “хавф-хатар таъсирини юмшатиш”, “мослашиш” ва “трансформация” кўрсткичлар асосида ҳисобланди (10-расм).



10-расм. “Qarshi agroklaster” МЧЖ пахта-тўқимачилик агрокластери резилентлик кўрсаткичи таҳлили.[23]

Агрокластерлар фаолиятида резилиентлик индексини ҳисоблаш ташқи ва ички хавф-хатарлар шароитида уларнинг стратегик барқарор ривожланиш салоҳиятини комплекс баҳолашнинг муҳим илмий-услубий воситаси ҳисобланади. Мазкур индекс агрокластерларнинг хавф-хатарларга тайёргарлик, уларнинг салбий таъсирини ютиш, ўзгарувчан шароитларга мослашиш ва тикланиш ҳамда инновацион трансформация салоҳиятини интеграл баҳолаш орқали бошқарув тизимидаги таркибий номутаносибликлар ва ривожланиш имкониятларини аниқлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, резилиентлик индексини ҳисоблашнинг илмий-амалий аҳамияти агрокластерлар фаолиятида хавф-хатарларга нисбатан заиф йўналишларни миқдорий аниқлаш, ресурс ва инвестицияларни мақсадли тақсимлаш, бошқарув қарорларининг иқтисодий асосланганлигини ошириш ҳамда резилиент қиймат занжирига асосланган адаптив бошқарув

[23] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

механизмини такомиллаштириш орқали уларнинг узоқ муддатли стратегик барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган устувор йўналишларни белгилашдан иборат.

“Qarshi agroklaster” МЧЖнинг умумий резилиентлик индексини куйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилди.

$$R = \frac{R_{tay} + R_{yut} + R_{mos} + R_{trans}}{4} \quad (1)$$

Бу ерда: $R_{tay.}$ –тайёргарлик салоҳияти индекси

$R_{yut.}$—хавф-хатарларни юмшатиш салоҳияти индекси

$R_{mos.}$– мослашиш ва тикланиш салоҳияти индекси

$R_{trans.}$–трансформация салоҳият индекси

2021–2024 йилларда “Qarshi agroklaster” МЧЖда ишлаб чиқариш, техник-технологик ва молиявий салоҳиятнинг мустаҳкамланиши кузатилган. Хусусан, пахта хомашёси ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоизга, ишчилар сони 91,7 фоизга ошган. Шу билан бирга, экспорт ҳажми ва тушумининг пасайиши ташқи бозорларга мослашувчанликни кучайтириш заруратини кўрсатади.


Резилиентликнинг тўрт йўналиши бўйича ижобий динамика кузатилган бўлиб, 2024 йилда тайёргарлик салоҳияти 100 фоиз, хавф-хатар таъсирини юмшатиш 100 фоиз, мослашиш яъни, тикланиш 100 фоиз ва трансформация 90,1 фоизни ташкил этган. Бу агрокластерда хавф-хатарларга бардошлилик ва тикланиш салоҳияти юқори эканини, бироқ узоқ муддатли инновацион трансформация имкониятларини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобида кластерлар фаолиятини ривожлантиришда тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, агрокластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида интеграцияни рақамли бошқарув механизмлари асосида ривожлантириш йўллари, агрокластерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий таклия ва амалий тавсиялар, шунингдек, агрокластерларни стратегик барқарор ривожлантиришнинг 2030 йилгача прогнози ишлаб чиқилган.

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши тармоқлараро ҳамкорлик, кооперация ва интеграция даражаси билан бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида агрокластер тизимини жорий этиш ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, логистика, таълим, молия ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамловчи муҳим механизм ҳисобланади.

Тадқиқот доирасида 6 та агрокластер фаолияти 82 нафар респондент иштирокидаги сўровнома асосида ҳамда фермер хўжаликлари ва агрокластерлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни баҳолаш мақсадида 118 нафар фермер-респондент иштирокида танланма сўровнома ўтказилди Натижалар агрокластерларнинг ташкилий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, самарадорликка таъсир этувчи омиллар ва мавжуд

муаммоларни тизимли баҳолаш имконини берди. Эмпирик маълумотлар агрокластерлар фаолиятини баҳолашда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан чекланмасдан, қиймат занжири, институтционал ҳамкорлик, инновацион салоҳият, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ҳудудий ривожланиш омилларини қамраб олган комплекс ёндашув зарурлигини асослайди.



11-расм. Агрокластерлар фаолиятини баҳолаш бўйича сўровнома натижалари.[24]

Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган сўровнома натижалари агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш билан бирга, иқтисодий манфаатдорлик, адолатли қиймат тақсимоти ва шаффоф шартномавий муносабатларни кучайтиришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Агрокластер ва фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномаларни адолатлилик, шаффофлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида қайта такомиллаштириш зарур.

2. Маҳсулот харид нархларини белгилашда бозор конъюнктураси, ишлаб чиқариш харажатлари ва фермер хўжаликларининг рентабеллик даражасини ҳисобга олувчи механизм жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

[24] Сўровнома натижалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3. Фермерларга етказиб бериладиган ресурслар, агротехник хизматлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизими ўз вақтида, сифатли ва шартномада белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

4. Агрокластерлар томонидан маҳсулот учун тўловларни кечиктириш ҳолатларини камайтириш мақсадида ҳисоб-китоб интизоми ва молиявий жавобгарлик механизмларини кучайтириш зарур.

5. Фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, уларнинг агрокластер билан кооперацион алоқаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

6. Фермер ва агрокластер муносабатларида юзага келадиган низоларни тезкор ҳал этиш учун мустақил мониторинг механизмини жорий этиш лозим.

7. Давлат томонидан агрокластерлар фаолиятини тартибга солишда маъмурий аралашув ўрнига, шартнома интизоми, рақобат муҳити ва фермер манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган институтционал назоратни кучайтириш зарур.

Агрокластерлар фаолиятига иқтисодий баҳо бериш ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш учун албатта уларнинг фаолиятига доир ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик кўртсаткичларнинг реал миқдорлари ва қийматлари талаб этилади.

Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалигида кластерлаштиришни ривожлантириш истиқболини баҳолаш учун асосий натижавий кўрсаткичлар сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (Y_1) ва деҳқончилик тармоғида интенсив ишлаб чиқариш ҳажми (Y_2)ни танлаб олинди. Мазкур танлов методологик жиҳатдан асосли ҳисобланади. Y_1 кўрсаткичи умумий ишлаб чиқариш миқёсини, яъни кластерлашув жараёнининг якуний иқтисодий натижасини акс эттиради. Шу билан бирга, Y_2 кўрсаткичи ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатини, ресурслардан самарали фойдаланиш даражасини ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш натижасида эришилган интенсив ўсишни ифодалайди. Мазкур икки кўрсаткич ўзаро уйғун ҳолда тизимнинг ҳам экстенсив, ҳам интенсив ривожланиш жиҳатларини қамраб олади. Натижада, улар кластерлаштирилган қишлоқ хўжалиги тизимининг самарадорлиги ва барқарор ривожланиш истиқболларини комплекс баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, минтақада тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми (Y_3) ҳам бизнинг ҳолатда алоҳида эътиборга молик натижавий индикатор ҳисобланади. Бу кўрсаткични алоҳида натижавий индикатор сифатида танлаш кластерлаштирилган қишлоқ хўжалиги тизимининг чуқурлашган иқтисодий самараларини баҳолашда муҳимдир. Чунки қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик, тўқимачилик саноати билан узвий боғланган бўлиб, кластерлашув жараёни айнан хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган занжирни шакллантиришни назарда тутади. Y_3 кўрсаткичи ушбу қиймат занжирининг юқори босқичида яратилаётган қўшилган қиймат даражасини ифодалайди. Шунингдек, у хомашёнинг қайта ишланиш даражаси, саноат интеграцияси ҳамда экспортбоп маҳсулотлар улушининг ошишини акс эттиради. Шу сабабли, мазкур индикаторни киритиш кластер тизимининг

нафақат аграр, балки саноат компонентлари самарадорлигини ҳам комплекс баҳолаш имкони демакдир.

Шундай қилиб қуйидаги шартли белгилашлар амалга оширилди. Хусусан,

Натижавий кўрсаткичлар:

Y_1 - Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм;

Y_2 - Деҳқончилик тармоғида интенсив ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм;

Y_3 - Тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм;

Таъсир омиллари:

X_1 - Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, тонна;

X_2 - Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ер майдони, га;

X_3 - Лазерли текисланган ер майдони, га;

X_4 - Тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, минг АҚШ доллари;

X_5 - Қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат унимдорлиги, млн. сўм/киши.

Шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган натижавий кўрсаткичлар ўзаро таъсир омиллари бўлиб келади.

Таъсир омиллари бўйича миқдорий кўрсаткичлар 2004-2025 йиллар давомийлигидаги статистик маълумотлари асосида вақтли қатор моделларидан фойдаланилди. Чунки, хусусан, ARMAX (Autoregressive Moving Average with Exogenous Inputs) моделлари нафақат вақт қаторининг ўз ички динамикасини, балки ташқи омиллар таъсирини ҳам бир вақтнинг ўзида ҳисобга олади. Бу эса иқтисодий жараёнларни янада реал ва аниқ моделлаштириш имконини беради.

Истиқболдаги динамикани баҳолаш учун тренд ҳамда ARMA моделлари ишлаб чиқилди. Хусусан:

Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари динамикасини кузатиш модели

$$X_1(t) = \underbrace{13499{,}25038}_{(t;p):(6{,}37;<0{,}001)} + \underbrace{4502{,}44 * t}_{(t;p):(27{,}9;<0{,}001)}, R^2 = 0{,}97 \quad (2)$$

Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ер майдонини кузатиш модели

$$X_2(t) = \underbrace{5037{,}08442}_{(t;p):(2{,}3;<0{,}037)} - \underbrace{2336{,}401 * t}_{(t;p):(-2{,}9;\ 0{,}009)} + \underbrace{197{,}85918 * t^2}_{(t;p):(5{,}8;\ <0{,}001)}, R^2 = 0{,}9 \quad (3)$$

Лазерли текисланган ер майдонини кузатиш модели

$$X_3(t) = \underbrace{3354{,}33766}_{(t;p):(2{,}9;\ 0{,}009)} - \underbrace{1441{,}9809 * t}_{(t;p):(-6{,}2;\ <0{,}001)} + \underbrace{106{,}83498 * t^2}_{(t;p):(10{,}9;\ <0{,}001)}, R^2 = 0{,}96 \quad (4)$$

Тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини кузатиш модели

$$X_4(t) = \underbrace{47002{,}3}_{(z;p):(2{,}5;\ 0{,}011)} + \underbrace{0{,}569 * X_4(t-1)}_{(z;p):(3{,}09;\ 0{,}002)} + \underbrace{0{,}646 * \theta(t-1)}_{(z;p):(3{,}4;\ <0{,}001)}, R^2 = 0{,}9 \quad (5)$$

Қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат унимдорлигини кузатиш модели

$$X_5(t) = \underbrace{8{,}5927683}_{(t;p):(45{,}5;<0{,}001)} + \underbrace{0{,}244026 * t}_{(t;p):(16{,}98;<0{,}001)}, R^2 = 0{,}94 \quad (6)$$

Ушбу моделлар асосида таъсир омилларининг прогноз параметрлари ишлаб чиқилди (4-жадвал).

4-жадвал

Қашқадарё вилояти кластерлаштирилган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда таъсир омилларининг прогноз параметрлари.[25]

Прогноз йиллари	Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, тонна	Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ер майдони, гектар	Лазерли текисланган ер майдони, гектар	Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, минг АҚШ доллари	Қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат унимдорлиги, млн сўм/киши
2026	117055,4	55967,4	26704,5	96216,4	14,2
2027	136557,8	62930,4	30283,7	122146,7	14,4
2028	141060,3	70289,1	34076,7	149226,6	14,7
2029	145562,7	78043,5	38083,3	179937,4	14,9
2030	150065,1	86193,6	42303,6	220225,4	15,2
Ўртача ўсиш,%	**4,17**	**10,50**	**11,80**	**24,11**	**2,34**
2030/2025 нисбат	**1,23**	**1,65**	**1,75**	**2,94**	**1,12**

Ушбу 4-жадвал маълумотлари Қашқадарё вилоятида кластерлаштирилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари барқарор тенденцияга эга эканлигини кўрсатмоқда. Прогноз натижаларига кўра, барча асосий таъсир омиллари бўйича ўсиш кузатилади, бироқ уларнинг суръатлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Хусусан, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми 2026-2030 йилларда 117 минг тоннадан 150 минг тоннагача ошиб, ўртача 4,17 фоизлик ўсишни намоён этмоқда. Бу кўрсаткич нисбатан барқарор, аммо тебранма ўсиш сураътига эга.

Шу билан бирга, технологик омиллар анча юқори динамикага эга. Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ер майдони 1,65 баробар, лазерли текисланган ерлар эса 1,75 баробар ошиши кутилмоқда. Уларнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари мос равишда 10,5 фоиз ва 11,8 фоизни ташкил этиб, агротехнологик модернизация жараёни жадаллашади. Айниқса, бу омиллар интенсив ишлаб чиқаришнинг асосий драйверлари сифатида намоён бўлади.

Энг юқори ўсиш суръати тўқимачилик маҳсулотлари экспортида кузатилмоқда. Мазкур кўрсаткич 2030 йилга келиб қарийб 3 баробарга ошиб, ўртача 24,11 фоиз йиллик ўсишни ташкил этади. Кластер тизимида хом ашёдан юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш жараёни муваффақиятли кечади. Меҳнат унумдорлиги эса нисбатан пастроқ, 2,34

[25] Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

фоиз ўсиш билан тавсифланмоқда, демакки, инсон капиталини ривожлантириш борасида яқин истиқболда тўлиқ потенциалга эришилмайди.

Прогноз натижалари кластерлаштириш жараёнида технологик янгиланиш ва саноат интеграцияси етакчи омилга айланаётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлаш учун меҳнат унумдорлигини ошириш ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтиришга, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурати ортиб бораверади.

Қашқадарё вилоятида кластерлаштирилган қишлоқ хўжалиги натижавий омилларининг прогноз параметрларини ишлаб чиқишда вақтли қатор моделларида нисбатан устуворлик кузатилади. Хусусан, Akaiki ахборот мезони, MAPE кўрсаткичи бўйича айнан танлов мазкур моделларга устуворлик беради.

Шундан, келиб чиққан ҳолда прогнозлаштириш учун айнан Қашқадарё вилоятида агрокластерларни натижавий омилларининг вақтли қатор моделлари ва адекватлик кўрсаткичлари келтирилган моделлардан фойдаланамиз ва қуйидаги натижаларга эга бўламиз.

Қашқадарё вилоятида кластерлаштирилган қишлоқ хўжалиги тизими изчил ва кўп компонентли ўсиш траекториясига эга бўлади. Биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ишлаб чиқариш ҳажми 2026-2030 йиллар давомида 5195,8 млрд. сўмдан 6171,5 млрд. сўмга етиб, ўртача 4,38 фоиз ўсишга эришилади. Бу кўрсаткич истиқболда барқарор, аммо бироз паст ўсиш тенденциясини сақлайди ва тизимда экстенсив ривожланиш компоненти аҳамиятини йўқотиб боради. Шу билан бирга, деҳқончилик тармоғида интенсив ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўртача 18,88 фоизни ташкил этади (5-жадвал).

5-жадвал

Қашқадарё вилояти кластерлаштирилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш корсаткичларининг прогноз параметрлари.[26]

(2010-йил нархлар индексига нисбатан реал қийматларда, млрд. сўм)

Прогноз йиллари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	Деҳқончилик тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	Тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм
2026	5195,8	799,8	2403,8
2027	5421,3	949,9	2688,1
2028	5659,3	1129,0	3008,6
2029	5909,2	1342,5	3372,9
2030	6171,5	1600,9	3789,5
Ўртача ўсиш,%	**4,38**	**18,88**	**11,92**
2030/2025 нисбат	**1,24**	**2,37**	**1,76**

2030 йилга келиб деҳқончилик тармоғида интенсив ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,37 баробарга ошиши кластерлашув жараёнида технологик

[26] Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

модернизация, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг юқори даражадаги натижа бериши фонида юз беради. Қишлоқ хўжалигида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтади.

Тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми ҳам 11,92 фоизлик ўртача ўсиш билан 2030 йилга бориб 1,76 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда. Кластер тизимида аграр ва саноат тармоқлари ўртасидаги вертикал интеграция кучайиб боради, хом ашёдан юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш занжири жадал шаклланади. Айниқса, пахта-тўқимачилик кластерларининг ривожланиши ушбу ўсишнинг асосий драйвери сифатида намоён бўлади.

Мазкур натижалар асосида айтиш мумкинки, истиқболда тармоқ ривожланишининг устувор йўналишлари сифатида биринчи навбатда интенсив ишлаб чиқаришни кенгайтириш, агротехнологияларни жорий этиш ва инновацион ёндашувларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар улушини ошириш орқали қиймат занжирини чуқурлаштириш зарур.

Бироқ эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Хусусан, умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан паст ўсиш суръати ресурслардан фойдаланишда ҳали мавжуд захиралар тўлиқ ишга солинмаганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, интенсив ўсишнинг юқори суръатлари узоқ муддатда барқарорликни таъминлаш учун инфратузилма, сув ресурслари бошқаруви ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Биринчидан, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали ресурс самарадорлигини ошириш зарур. Иккинчидан, агрокластерларда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш орқали интенсив ишлаб чиқаришнинг сифатини ошириш лозим. Учинчидан, логистика ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш орқали тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтириш муҳимдир. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб қолади.

ХУЛОСА

1. Мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш шаклларининг 1991-2025 йиллардаги эволюцияси тўрт босқич асосида илмий жиҳатдан асослаб берилди. Хусусан, деколлективизация жараёнларидан бошлаб фермерлик ҳаракатининг шаклланиши, узоқ муддатли ижара муносабатларининг жорий этилиши ҳамда 2017 йилдан кейин агрокластер тизимига ўтиш аграр соҳада янги институционал муҳитни шакллантирди. Натижада ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини қамраб олган ишлаб чиқариш - “хомашё - қайта ишлаш - тайёр маҳсулот - экспорт” қиймат занжири асосида интеграциялашган бошқарув модели юзага келади.

2. Агрокластерларни шакллантириш алгоритми ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилди. Унда маҳаллийлаштириш коэффициенти, ихтисослашув индекси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳамда интеграл салоҳият индекси асосида агрокластер ташкил этишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги илмий мезонлар орқали баҳоланади. Шу асосда ҳудуднинг ривожланиш даражаси комплекс таҳлил қилинади. Баҳолаш натижаларига кўра, интеграл салоҳият коэффициенти (ИК) аниқланиб, ИК>1 - юқори, ИК=1 - чегаравий, ИК<1 - паст салоҳият баҳоланади.

3. Агрокластерлар фаолиятининг самарадорлиги ва барқарор ривожланиши ҳудудий хусусиятлар, табиий-иқтисодий ресурслар, инфратузилма ҳамда бозор талаби омилларини ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқлиги асосланди. Тадқиқотда агрокластерларнинг ривожланиш хусусиятларига кўра “географик”, “горизонтал”, “вертикал” ва “тармоқ” кластерларининг концептуал мазмуни ёритилди. Шунингдек, агрокластерлар маҳсулот ишлаб чиқариш хусусияти, қиймат занжири шаклланиши, технологик интеграция даражаси ва тармоқлараро кооперация мезонлари асосида анъанавий агросаноат ҳамда инновацион йўналишдаги агрокластерларга таснифланди.

4. Тадқиқотлар натижасида агрокластерларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш мақсадида 4 та йўналиш ва 29 та кўрсаткич асосида баҳоланди. Баҳолаш натижалари агрокластер самарадорлиги кўп омилли характерга эга эканини ва вертикал интеграция, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда фермерлар манфаатдорлиги умумий натижага бевосита таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Ҳудудий ривожлантириш сиёсатини амалга ошириш ва паст самарадорликка эга агрокластерларда институционал ҳамда технологик ислоҳотларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

5. Агрокластерлар фаолиятига таъсир этувчи омиллар ижобий ва салбий хусусиятга эга бўлиб, улар фаолият самарадорлиги ҳамда ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланди. Тадқиқотда ушбу омиллар ички ва ташқи, шунингдек, объект ҳамда субъект омиллар сифатида тизимлаштирилди. Агрокластерларнинг барқарор ривожланиши мазкур омиллар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, бунда ресурслардан оқилона фойдаланиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва самарали бошқарув тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

6. Қашқадарё вилояти пахта-тўқимачилик агрокластерларида 13,0 фоиз ер майдонлари ўзига бириктирилган ва 87,0 фоиз фьючерс шартномалари асосида фермер хўжаликларидан жалб этилган. Бу ҳолат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бозор механизмлари орқали ташкил этишга ўтиш жараёни кечаётганини англатади. Шу билан бирга, ер ресурсларининг йирик субъектлар қўлида концентрациялашгани ҳудудий агрокластерлар ўртасида институционал ва инвестицион номутаносиблик мавжудлигини кўрсатади.

7. Моддий-техника базаси агрокластерларда техника ва агрегатлар юқори даражада жамланганини, айрим ўрта ва кичик субъектларда эса техник таъминот номутаносиблигини кўрсатди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омил сифатида баҳоланиб, техник паркни оптималлаштириш ва модернизация қилиш зарурлигини англатади. Бундан ташқари агрокластерларда мавжуд техникалар билан таъминлаш дараси 24,0 фоизни ташкил этади. Моддий техника билан таъминланиш даражасининг 100 фоиз даражага эришиш эса фермер хўжалигида мавжуд техникалар ҳисобидан таъминланган.

8. Вилоят агрокластерларида томчилатиб суғориш тизимларининг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фермер хўжаликлари билан интеграцияни кучайтириш ҳамда сув тежамкор агротехнологияларни кенг татбиқ этиш орқали экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, агрокластерлар фойдаланаётган ер майдонларининг 19,5 фоизида ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги ерларнинг 13,6 фоизида янги суғориш технологиялари жорий этилган. Шу боис, илғор агрокластерлар тажрибасини оммалаштириш ва мазкур технологияларни барча аграр субъектларда босқичма-босқич татбиқ этишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

9. Агрокластерларни ташкил этиш, фаолиятини юритиш ва уларнинг истиқболлари белгилаш АҚШ ва Нидерландия тажрибаси кластер сиёсатининг самарали модели сифатида баҳоланди. АҚШ моделида кластерлар бозор ташаббуслари, хусусий сектор фаоллиги ва университет-бизнес ҳамкорлиги асосида ривожланади, давлат эса қўллаб-қувватловчи институт сифатида иштирок этади. Шу асосда Ўзбекистонда агрокластер сиёсатини амалга оширишнинг тавсиявий модели ишлаб чиқилиб, унинг стратегик мақсади юқори қўшилган қийматга эга, рақобатбардош ва инновацион ишлаб чиқариш тизимларини шакллантириш ҳамда ҳудудий ривожланишни мувозанатли таъминлашдан иборат деб белгиланди.

10. Қашқадарё вилояти пахта-тўқимачилик агрокластерларини баҳолаш натижалари уларнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий салоҳияти ва институционал шаклланганлиги бир хил эмаслигини, шу боис кластерларни кучли, барқарор, потенциал ва яширин тоифалар асосида дифференциал ёндашув билан қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатди. Вилояти пахта-тўқимачилик агрокластерларини ривожлантиришда дифференциал ёндашувни қўллаш зарурлигини кўрсатади. Яъни, ҳар бир тоифадаги агрокластерлар учун уларнинг ривожланиш даражаси ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда мақсадли қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

11. Иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги, геосиёсий беқарорлик, логистика занжирларидаги узилишлар ва бозор конъюнктурасининг тез ўзгариши шароитида агрокластерларнинг рақобатбардошлиги уларнинг ташқи таъсирларга чидамлилиги, ўзгарувчан муҳитга мослашувчанлиги ва инқирозлардан кейин тез тикланиш қобилияти

билан белгиланади. Шу боис, таклиф этилган “резилиент қиймат занжирига асосланган адаптив бошқарув механизми” қиймат занжири иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш, инновацион ва рақамли ечимларни жорий этиш ҳамда адаптив қарор қабул қилиш орқали агрокластерларнинг узоқ муддатли стратегик барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи илмий асосланган комплекс бошқарув модели сифатида таклиф этилган.

12. Агрокластерларни (https://agroqashqadaryo.netlify.app/) платформа орқали агрокластерларнинг рўйхатдан ўтиши, йилма-йил статистик кўрсаткичлар бўйича мониторинг, рентабеллик ва экспорт салоҳиятини баҳолаш каби жараёнларни рақамлаштириш имконияти яратилган. Бу функциялар кластерлар фаолиятида “data-driven” бошқарув, яъни маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш амалиётини шакллантиради.

13. 2030 йил прогнозларига кўра, агрокластерларда меҳнат унумдорлигининг 1 фоизга ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,58 фоизга кўпайтириб, 401,3 млрд. сўмлик иқтисодий ўсишни таъминлайди. Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларнинг 1 фоизга кенгайиши ишлаб чиқаришни 0,1 фоизга ошириб, 864,02 млрд. сўмга тенг қўшимча самарадорликни шакллантиради. Лазерли текислаш амалиётининг 1 фоизга ортиши эса интенсив ишлаб чиқаришни 0,42 фоизга ошириб, 90,1 млрд. сўмлик иқтисодий натижани юзага келтиради. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳажмининг 1 фоизга ортиши ишлаб чиқаришни 1,37 фоизга ошириб, 215,3 млрд. сўмлик қўшимча қиймат яратади. Шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 1 фоизга ошиши тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмини 0,3 фоизга кенгайтиради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS
I bo‘lim (I часть; I part)

1. Berdiyev A.H. Hududiy agroklasterlarning shakllanishi va ularni rivojlantirish isiqbollari. // Monografiya. “Ilm-fan-ma’naviyat” nashriyoti, 2025 yil https://doi.org/10.5281/zenodo.22139448
2. Berdiyev A.H. Prospects for The Integration of Cotton Raw Material Production And Processing in Cotton-Textile Agro-Clusters. // Central Asian journal of Innovations on Tourism Management and Finance. Volume: 07 Issue: 02 | April 2026 ISSN: 2660-454X (OAK Rayosatining 2024-yil 28-avgustdagi 360-son qarori) https://cajitmf.casjournal.org/index.php/CAJITMF/article/view/1163
3. Бердиев А.Ҳ. Агрокластерлаарнинг фаолият самарадорлигини бааҳолашнинг услубий асослари. // “Science and education in agriculture”. Журнал № 1, 2026 January volume 1, Issue 1 ISSN 3030-3222. 237-247 bet. (ОАК Раёсатининг 2023 йил 29 декабрдаги 347-сон қарори) https://seajournal.uz/articles/1b13e3bc-9b51-459f-a161-691f812a433d
4. Berdiyev A.H. Paxta-to‘qimachilik agroklasterlarida ishlab chiqarish xarajatlari, ularning tarkibiy o‘zgarishlari va iqtisodiy tahlili. // “Innovatsion iqtisodiyot” jurnali. 2-son 2026 yil. 34-39-betlar. (OAK Raёsatining 2025 йил 5 апрелдаги 369-сон қарори) https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/1244
5. Berdiyev A.H. Klasterlar faoliyatini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning natijalari va samaradorligi. // “Soliq va Hayot” jurnali. 4-son 2025 yil. 37-47-betlar. (OAK Raёsatining 2022 йил 31 мартдаги 314/9.2 сон қарори) https://soliqvahayot.tsue.uz/packet/maqolalar/3617849_maqola.pdf
6. Berdiyev A.H. Agroklasterlar faoliyatini tashkil etish va rivojlantirishning nazariy va amaliy asoslari. // “Innovatsion iqtisodiyot” jurnali. 4-son 2025 yil. 12-19-betlar. (OAK Raёsatining 2025 йил 5 апрелдаги 369-сон қарори) https://ojs.kstu.uz/index.php/ej/article/view/1525
7. Berdiyev A.H. Agroklasterlar samaradorligini oshirish yo‘llari. // “Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy elektron jurnali. 2-son 2025 yil. 127-133-b. (OAK Raёsatining 2025 йил 5 апрелдаги 369-сон қарори) https://ojs.kstu.uz/index.php/ej/article/view/1559
8. Berdiyev A.H. Innovatsion jarayonlar - ishlab chiqarish tarqqiyotining muhim omili sifatida. // “Innovatsion iqtisodiyot” jurnali. 1-son 2025 yil. 91-97-b. (OAK Raёsatining 2025 йил 5 апрелдаги 369-сон қарори) https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/959
9. Berdiyev A.H., Rasulov X.Q. Qishloq xo‘jaligida innovatsion-investitsion faoliyatni rivojlantirish omillari. // Innovatsion texnologiyalar. Jurnal. 2025/1(57)-son. ISSN 2181-4732 E-ISSN 2181-4015. 144-149-b. (OAK Raёsatining 2019 йил 28 февралдаги 262/9.2-сон қарори) https://www.innotex-journal.uz/article.php?id=62&lang=uz
10. Berdiyev A.H. Agroklasterlar samaradorligini oshirish yo‘llari. // Raqamli transformatsiya sharoitida sun’iy intellektni rivojlantirish va zamonaviy

matematikani o‘qitish muammolari va yechimlari. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Qarshi-2025. 159-165-betlar. https://worldlyjournals.com/index.php/IJS/article/view/13579

11. Berdiyev A.H. Agroklasterlarni rivojlantirish istiqbollari “Globallashuv va iqlim o‘zgarishi sharoitida oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash: muammo va yechimlar” // Respublika ilmiy-amaliy anjumani 2024-yil 15 – may. 251-256- betlar. https://ilmiyanjumanlar.uz/uploads/conferences/0042/3.8.pdf

12. Berdiyev A.H. Agroklasterlarida paxta xom-ashyosi ishlab chiqarish va qayta ishlash integrasiyasi istiqbollari. // Intellektual axborot tizimlari va raqamli transformatsiya jarayonlarining innovatsion yechimlari. Xalqaro ilmiy - amaliy anjuman materiallari. Qarshi-2026. 214-219-betlar. https://conference.atmu.uz/Intelektual_axborot_tizimlari.pdf

13. Berdiyev A.H. Fermer xo‘jaliklari va klasterlar o‘rtasida bir butun manfaatli tizimni shakllantirish. // Intellektual axborot tizimlari va raqamli transformatsiya jarayonlarining innovatsion yechimlari. Xalqaro ilmiy - amaliy anjuman materiallari. Qarshi-2026. 204-211-betlar. https://conference.atmu.uz/Intelektual_axborot_tizimlari.pdf

14. Berdiyev A.H. Agroklasterlar faoliyatini takomillashtirishda xorij tajribasi. // “Yasil Iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali. 3-son 2026 yil. 1829-1835-b. (OAK Раёсатининг 2023 йил 1 апрелдаги 336/3-сон қарори) https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/11614

15. Berdiyev A.H. Agroklasterlarning samaradorligiga ta’sir etuvchi omillar // “Muhandislik va iqtisodiyot” jurnali. 3-son 2026 yil. 1454-1459-b. (OAK Раёсатининг 2024 йил 28 августдаги 360/5-сон қарори) https://muhandislik-iqtisodiyot.uz/index.php/journal/article/view/3503

16. Berdiyev A.H. Agroklasterlar faoliyatini raqamli boshqaruv mexanizmlari asosida shakllantirish va takomillashtirish. // “Yasil Iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali. 7-son, 1-qism 2026 yil. 334-339-b. (OAK Раёсатининг 2023 йил 1 апрелдаги 336/3-сон қарори) https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/11605

17. Berdiyev A.H. Qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda agroklasterlarning o‘rni va ahamiyati. // “Muhandislik va iqtisodiyot” jurnali. 7-son, 1-qism 2026 yil. 242-248-b. (OAK Раёсатининг 2024 йил 28 аавгустдаги 360/5-сон қарори) https://muhandislik-iqtisodiyot.uz/index.php/journal/article/view/3686

18. A.H.Berdiyev Adaptive management mechanism based on a resilient value chain for the strategic sustainable development of agrocluster activities. // “Econoscitech integration” xalqaro ilmiy-elektron jurnal. 2026-yil №7-son. 147-152 b. (OAK Раёсатининг 2026 йил 10 апрелдаги 384-сон қарори) https://econoscitech-integration-journal.uz/index.php/journal/article/view/572

II bo‘lim (II часть; II part)

19. Berdiyev A.H. Priority tasks of agricultural development and their implementation mechanisms. // “Экономика и социум” журнал. Часть-1. ISSN 2225-1545, №3(118) 2024. 78-82-ст. https://cyberleninka.ru/article/n/priority-tasks-of-agricultural-development-and-their-implementation-mechanisms/pdf

20. Berdiyev A.H. Further development of free market relations of cotton textile clusters. // “Экономика и социум” журнал. Часть-8. ISSN 2225-1545, №3(118) 2024. 83-87 ст. https://cyberleninka.ru/article/n/further-development-of-free-market-relations-of-cotton-textile-clusters/pdf

21. Бердиев А.Х. Перспективы деятельности кластера в сельскохозяйственной сфере: проблемы и решения. // “Экономика и социум” журнал. Часть-1. ISSN 2225-1545, №12(115) 2023. 988-995-ст. https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-deyatelnosti-klastera-v-selskohozyaystvennoy-sfere-problemy-i-resheniya/pdf

22. Бердиев А.Х. Производственные затраты в хлопково-текстильных агрокластерах, их структурные изменения и экономический анализ. // “Экономика и социум” журнал. ISSN 2225-1545, №2(141) 2026. 616-625 ст. https://a78cf8ac-3ef5-4670-8fcd-a900ec94fdfb.filesusr.com/ugd/b06fdc_ad6a623859994f51a06ef7909750b68e.pdf?index=true

23. Бердиев А.Х. Использование инноваций в сельском хозяйстве является главным фактором эффективности. Вестник науки и образования. // Журнал. Москва-2020 г., № 3 (81) часть 2, 9-14 ст. https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-innovatsiy-v-selskom-hozyaystve-yavlyaetsya-glavnym-faktorom-effektivnosti/pdf

24. Berdiyev A.H. Meva-sabzavot mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish sohasida kooperatsiya munosabatlarini shakllantirish. // Monografiya. Qarshi. “Intellekt” nashriyoti -2022. 96 bet. https://doi.org/10.5281/zenodo.22137911

25. Бердиев А.Х. Перспективы формирования кооперативных отношений в области производства и реализации плодоовощной продукции. // “Экономика и социум” журнал. Часть-1. ISSN 2225-1545, №12(115) 2023. 980-987-ст. https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-formirovaniya-kooperativnyh-otnosheniy-v-oblasti-proizvodstva-i-realizatsii-plodoovoschnoy-produktsii/pdf

26. Бердиев А.Х., Расулов Х.К. Перспективы развития агрокластеров. // “Экономика и социум” журнал. Част-2. ISSN 2225-1545, №5(120) 2024. 1128-1135-ст. https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-razvitiya-agroklasterov/pdf

27. Berdiyev A.H. Rasulov Kh.K. Prospects for Cluster Activities in the Agricultural Sector: Problems and Solutions. // Journal of Marketing and Emerging Economics. e-ISSN: 2792-4009. www.openaccessjournals.eu. Volume: 2 Issue: 5. 99-108- betlar. https://oajournals.net/index.php/jmee/article/view/1365/1367

28. Бердиев А.Х. Кооперативные отношения и их развитие в сельском хозяйстве. // American Journal Of Innovation In Science, Research And Development. Volume:01 Issue:3|2024. 123-127- betlar. https://bestscience.us/index.php/AJISRD/article/view/57/54

29. Бердиев А.Х. Техническое развитие и инновации как важный фактор производства. // American Journal Of Multifunctional Publishing.

Volume – 1 Issue – 2-2024. 16-24- betlar. https://multifunctional-publishing.com/index.php/AJMP/article/view/12/11

30. Berdiyev A.H. Aholi turmush darajasini yaxshilash va turmush sifatini oshirishning dolzarb masalalari. // International Journal Of Science. ISSN:3060-4583.Econovic Sciences. Volume 2, ISSUE 1, 2025. 71-77- betlar. https://worldlyjournals.com/index.php/IJS/article/view/9557/14209

31. Berdiyev A.H. Aholi turmush darajasini oshirishda ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish. // Monografiya. “Ilm-fan-ma’naviyat” nashriyoti, 2025. https://zenodo.org/records/22139358

32. Berdiyev A.H. Qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda agroklasterlar o‘rni va istikbollari. “Global raqamli integratsiyalashuv: 2030-yilgacha yashil iqtisodiyotga o‘tishda texnologik va industrial sanoatni rivojlantirish orqali mikro va makroiqtisodiy barqaror o‘sishni ta’minlash dolzarbligi”. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to‘plami. Toshket. 30-aprel, 2026.314-317 bet. https://muhandislik-iqtisodiyot.uz/index.php/journal/article/view/4027

33. Berdiyev A.H. Agroklasterlarni rivojlantirishning ustuvor yo’nalishlari. “Global raqamli transformatsiya jarayonlari jadallashuvi sharoitida milliy kapital bozorini modernizatsiya qilish, innovatsion moliyaviy texnologiyalarni intergatsiyalash hamda investitsion jozibadorlikni oshirishning ustuvor strategik istiqbollari”. Respublika ilmiy amaliy anjuman materiallari. T.: ITFAJ., 2026. 360-bet. https://ilmiytadqiqotlar.uz/konfrensiyalar/global-raqamli-transformatsiya-jarayonlari-jadallashuvi-sharoitida-milliy-kapital-bozorini-modernizatsiya-qilish-innovatsion-moliyaviy-texnologiyalarni-integratsiyalash-hamda-investitsion-jozib/

34. Berdiyev A.H. Agroklasterlarning yer ryesurslari va ulardan foydlanish samaradorligi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti. “Raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash: muammolar va yechimlar”. Respublika ilmiy-amaliy anjumanlar to‘plami. Toshkent. 25-fevral, 2026. 617-621 bet. https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/12009